БАНК РЕСУРСЛАРИ ҲИСОБИГА КРЕДИТЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Бозоров Руслан Хамдамович
Давлат бошқаруви академияси докторанти и.ф.ф.д. (PhD), доцент

https://doi.org/10.5281/zenodo.10143205

Кредит бериш жараёнларини такомиллаштириш иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида аҳоли даромадларининг барқарор бўлишига ёрдам берадиган воситадир. Бу соҳанинг кенгайиши жамиятда ижтимоий аҳвол ва истеъмол талаби даражасига ижобий таъсир кўрсатиб, иқтисодиёт учун янги истиқболларни очади.

Кредитлаш жараёни тижорат банклари фаолиятининг асосий ва муҳим йўналишларидан биридир. Банк кредитлаш соҳасидаги кредит муносабатларининг субъектлари хўжалик органлари, давлат, аҳоли ва банкларнинг ўзлари ҳисобланади. Кредиторлар ва қарз олувчилар кредит битимининг томонлари ролини ўйнайди. Бунда қарз берувчи деганда, қарз олувчининг ихтиёрида маълум муддатда зарур маблағлар билан таъминловчи банк тушунилса, қарз олувчи бу, маълум шартлар асосида маблағларни кредит шаклида фойдаланиш учун оладиган ва уларни белгиланган муддатда қайтариш мажбуриятини олган кредит муносабатларининг иккинчи тарафи тушунилади. Юқори хавф мавжудлигига қарамасдан кредит бериш тижорат банклари учун энг мақбул ва асосий даромад манбаи бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодчи олимлар томонидан иқтисодий адабиётларда кредитлаш механизмини моҳияти юзасидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, XX асрнинг 70-йилларига келиб кредит механизми тушунчаси иқтисодий адабиётларга, шу билан бирга банк амалиётига кириб келганлиги қайд этилган. Лекин иқтисодий адабиётларда кредитлаш механизми билан бирга кредит механизми ва кредит тизими тушунчалари ҳам мавжуд бўлиб, ушбу тушунчаларнинг ўзаро фарқи ҳамда узвий боғлиқлиги борасида соҳа олимларининг фикрлари турличадир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқоридаги тушунчаларнинг иқтисодий асосини молиявий муносабатлар ташкил қилади.

Шу сабабли кредитлаш механизмлари орқали аҳоли даромадлари барқарорлигини таъминлашда банк ресурслари ҳисобига кредитлаш механизмларини тўғри англаш учун “кредитлаш механизми” тушунчасини иқтисодий категория сифатида моҳиятини очиш билан бошламоқ керак. Бунинг учун иқтисодчи олимлар тадқиқотлари асосида “кредитлаш механизми”, “кредит механизми” ва “кредит тизими” тушунчалари ўртасидаги фарқли жиҳатларни кенг ёритишга ҳаракат қиламиз.

В.С.Пашковский талқинида кредит механизми бу кредит муносабаларининг ташкил этишнинг амалдаги аниқ шаклидир. Унинг қайд этишича, кредит механизмига нисбатан “бошқариладиган” ва “бошқарадиган” тизим сифатида ёндашиш керак. Бундай ёндашув кредит механизми натижадорлигини кузатиш имконини оширади. Шу билан бирга, В.С.Пашковский кредит механизмини режалаштириш усуллари ҳамда шакллари, тартибга солиш, кредит бериш ва уни сўндиришнинг ўзаро боғлиқликдаги тизими сифатида деб қарайди.

Ю.П.Авдиянцга фикрига кўра, кредит механизми кредит тизимнинг асосий элементи ҳисобланади, шу билан бирга, муаллиф томонидан кредит механизмининг таркибий қисмлари очиқланмаган.

Н.И.Валенцева айланма маблағлар манбаларини қарзга олинган ва ўз маблағларига ажратган ҳолда кредит механизмининг бошқача тузилишини таклиф қилади. Тадқиқотчи

кредит механизми элементларини кредит объектлари, банк ва қарз олувчи ўртасидаги муносабатларни ўзгартириш мезонлари, банк ҳисобварақларида пул маблағларининг тўпланиш тартиби ва кредитлаш усулларига кўра ажратади. Кредит механизмининг мазкур таърифланган тузилмасида қарз олувчилар, тўлов муддати, кредит миқдори, тахминий фоиз ставка, гаров ва шу каби умумий параметрлар акс эттирилмаган. Ҳозирги вақтда кредит механизми ушбу элементларсиз ишлаши мумкин эмас.

Академик В.И.Рыбин фикрича, кредитга хос хусусиятлар ва унинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи муносабатлар ҳамда уларнинг намоён бўлиш шакли ва усуллари кредит механизмини ташкил қилади. Олим ўзининг "Ислоҳотлар шароитида кредит ва ҳисоб-китоблар" асарида банк кредит механизми тушунчасини киритган бўлиб, унда кредитнинг ўзига хос жиҳатини ҳам қайд этган. Яъни, унга кўра банклар кредит механизми сабабли хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолиятини назорат қилиш имкониятига эга бўлишади.

Иқтисодчи олим М.С.Атлас ўз тадқиқотларига кўра, кредит механизми ҳақида қуйидагича ёзган: "кредит тизими органлари, кредитлаш тамойиллари, усуллари ва воситалари мажмуаси кредит механизмини ташкил этади, шунингдек улар ёрдамида масъул органлар ўз вазифаларини амалга оширадилар ҳамда бутун иқтисодиётга ва хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига таъсир кўрсатади".

Профессор С.Б.Штейнлейгер томонидан кредит механизмининг моҳияти кенгроқ талқин этилган. Иқтисодчи олим кредит механизми таркибини уч гуруҳга бўлган: 1) банклар; 2) кредит соҳасининг ўзига хос алоҳида қонуниятларини ифодалайдиган элементлар; 3) кредит соҳаси қонуниятларининг мазмунини амалиётга қўллаш шакл ҳамда усуллари.

О.А.Молчанова кредит ва хўжалик механизмларини ўзаро муносабатларини ўрганган ҳолда, кредит механизми ссуда жамғармасини реализация қиладиган иқтисодий механизм бўлиб, унда кредит товар эканлиги ҳақида хулоса қилади.

Н.И.Валенцевага кўра, кредит механизми – амал қилиши хўжалик механизмининг тузилишини батафсил аниқлаб беради. Кредит механизмини такомиллаштириш муаммолари ўз ўрнида хўжалик механизмини ривожлантириш муаммоларини жамлаган ҳолда ечишни, хусусан нархни белгилаш, ҳисоб-китобларни нақдсиз шаклини ташкил этиш ва бошқаларни талаб қилади дея таъкидлайди.

Иқтисодчи олим О.И.Лаврушин ўз асарида, "Кредит механизми ташкил топиши шундай бўлиш керакки, у кредитнинг харажатга айланишини ўз вақтида олдини олиш имкониятига эга бўлиши, шунингдек ўз вақтида йўл қўйилиши мумкин бўлган четланишлар борасида хабардор қилиши, шу каби белгиланган меъёрлардан четланишларга йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектларга фаол таъсир кўрсатиши зарур" дея фикр билдирган.

Р.В.Корнеева "Саноат тармоғи ва давлат банки ўртасидаги кредит муносабатлари" асарида билдирган фикрича, кредит механизмининг ҳаракати шундай йўналтирилиши керакки, унинг натижасида иқтисодиётда яратилган шароитда хўжалик юритувчи субъект ёки тармоқ маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқаришнин кенгайтириш учун ўзи қўшимча ресурслар жалб қилишга интилиши керак. Яъни, кредит хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятига кредит механизми воситасида ўз таъсирини ўтказиши керак.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, кредит ва молия категориялари асосий жиҳатларига кўра бир-биридан фарқ қилишига қарамасдан, ушбу тушунчалар бир-бирига ўзаро боғланган категориялар сафига киради ҳамда маълум доираларда биргаликда таъсир

қилади. Кўпинча ушбу таъсир молия-кредит механизми орқали намоён бўлишини кўриш мумкин.

Иқтисодчи олим М.А.Пассель “молия-кредит механизми”ни мустақил категория эканлигини қуйидагича изоҳлайди: “...кўп вазиятларда кредитнинг ҳам, молиянинг ҳам кредитлаш ва/ёки молиялаштириш объекти умумий бўлиши мумкин ҳамда иқтисодиётда ўзаро фарқ қилувчи мазкур пул муносабатлари шакллари давлат томонидан қўшиб, яъни биргаликда олиб борилишига қарамасдан, уларнинг маблағларни яратиш ёки жамлаш ва ушбу маблағларни тақдим этиш ёки йўналтириш хусусиятлари (шартлари)га кўра бир-биридан ажратади”

Юқорида кредит механизми борасида билдирилган фикрларни таҳлил қилган ҳолда, шундай хулосага келиш мумкин, яъни, билдирилган фикрларнинг баён этишда турли шакллардан фойдаланилган бўлсада, аммо фикрларнинг деярли барчасида бир ҳолат: кредит механизми бу кредитдан фойдаланиш усули эканлиги тан олинган.

Амалда кредитлардан фойдаланишдаги усуллар, яъни кредит муносабатларининг шакллари ҳар қандай ҳолатда кредитнинг мазму-моҳиятига асосланишини инобатга олиш зарур. Бу эса, ҳар қандай иқтисодий категория ўзининг функциялари орқали моҳиятини намоён қилишини англатади. Кредит механизмининг эса, иқтисодиётдаги такрор ишлаб чиқариш жараёнларида намоён бўладиган иккита функцияси, жумладан қайта тақсимлаш ва кредит операциялари орқали ҳақиқий пулларни кредит пулларига алмаштириш функциялари мавжуд.

REFERENCES

1. Норқобилов С., Ортиқов Ҳ. Кредит механизми ва унинг элементлари: услубий қўлланма. Фарғона: «ФАРҒОНА» нашриёти, 2011,- 200 б.
2. Пашковский В. С. Кредитно-расчетный механизм в системе управления отраслью. Москва: Финансы, 1980. — 175 с.
3. Авдиянц Ю. П. Кредит и повышение экономической эффективности производства (вопросы теории и методологии) / Науч-исслед.фин.ин-т. Москва: Финансы, 1972. — 167 с.
4. Валенцева Н. И. Кредитный механизм и его составные элементы: учеб.пособие. Москва, 1987. — 56 с.